2015 йил 16 октябрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 210 (13.023)

Баҳоси эркин нархда

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ҚОЗОҒИСТОНГА КЕЛДИ

КЎКШЕТАУ, 15 октябрь.
ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ
хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикасининг Кўкшетау шаҳрига келди.

Президентимиз 16 октябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўладиган Бурабай шаҳарчасига йўл олди.

Аввал хабар қилинганидек, давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашувида МДҲ доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш, халқаро ва минтақавий миқёсдаги долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

**(ЎзА)**

**Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти**

## ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР ВА ТАРАҚҚИЁТ

***Иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий қилиш, саноатни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш каби устувор вазифаларни амалга оширишда илм-фан ва инновация ютуқлари муҳим аҳамиятга эга.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу йўналишда ўз ечимини кутаётган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишлари кўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Тошкент кимё-технология институти таълимнинг кўплаб йўналишларида малакали кадрлар тайёрлаш баробарида давлат илмий-техника дастурларида белгиланган вазифаларни бажаришда фаол иштирок этаётган илм-фан муассасаларидан. Институтнинг инновация марказидан маълум қилишларича, бугунги кунда ўттизга яқин фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳа бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ушбу тадқиқотлар тегишли тармоқларни бугунги замон талаблари асосида ривожлантириш, маҳаллий хомашёдан рақобатбардош маҳсулотлар олиш усулларини жорий этиш, экологик муаммоларни ҳал қилиш, ишлаб чиқаришда биотехнологиялардан оқилона фойдаланиш каби устувор масалаларга қаратилган. Мамлакатимиздаги етакчи илм-фан муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ушбу инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишда юксак самаралар бераётир.

*(Давоми 2-бетда)*

**ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**



Темур Мамадаминов олган сурат

## ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИ ВА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ ЖАҲОН БОЗОРИДАГИ ЎРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***Тошкентда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси очилди.***

Ушбу форум пахта етиштириш, уни қайта ишлаш, транспортировка қилиш ва сотиш бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Анъанавий ўтказиб келинаётган халқаро анжуман бугун нафақат Ўзбекистоннинг турли давлатларнинг йирик тўқимачилик компания ва етакчи трейдерлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш, балки пахта етиштириш, уни қайта ишлаш, сотиш ва етказиб бериш билан шуғулланадиган кўплаб мамлакатлар, фирма ҳамда компаниялар ўртасида шериклик муносабатларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Мазкур нуфузли тадбир туфайли ўзбекистонлик ҳамкорлар билан йўлга қўйилган ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш ва янги муносабатлар ўрнатишга бўлган қизиқиш халқаро миқёсда йил сайин ортиб бораётир. 2005 йилда дастлабки Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида 30 мамлакатдан 170 га яқин компания вакиллари қатнашган бўлса, жорий йилда қирқдан ортиқ давлатдан 1000 дан зиёд фирма ва компания мутахассислари ташриф буюрди. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон пахтасини экспорт қилиш географияси сезиларли даражада кенгайди. Масалан, 2000 йилда юртимиз далаларида етиштирилган ҳосил асосан Европа давлатларидаги бозорларда сотилган бўлса, кейинги вақтда Хитой ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

– Ўзбекистон жаҳон бозорига пахта етказиб берадиган етакчи давлатлар сирасига киради ва етиштирилган ҳосилни қайта ишлашга мамлакатингизда катта эътибор қаратилмоқда, – деди "Cotton Outlook" халқаро ахборот агентлигининг бошқарувчи директори Р.Батлер. – Бугунги кунда пахтани қайта ишлаш коэффициенти 40 фоизга етказилди. Серқуёш ўлкангизда юқори навли пахта етиштирилаётгани, малакали ходимлар мавжудлиги ва бизнес юритиш учун кенг кўламли имтиёз ҳамда преференциялар яратилгани Ўзбекистонни инвестиция киритиш учун истиқболли мамлакат сифатида намоён этмоқда.

Сифати юқорилиги, шунингдек, мамлакатимизда сўнгги йилларда жаҳон бозорида "оқ олтин"га бўлган нарх кескин ўзгаришининг олдини олиш имконини берадиган "А" "Cotlook" индекси асосида нарх белгилашнинг ошкора тизими қўлланилаётгани боис Ўзбекистон пахтасига талаб ортиб бораётир. Бундан ташқари, пахтани экспорт қилиш жараёнига яна учта ташқи савдо компанияси – "Ўзмарказимпекс", "Ўзсаноатмашимпекс" ва "Ўзинтеримпекс" ҳам жалб этилди. Улар хориждаги ўз ваколатхоналари ва савдо уйлари орқали серқуёш ўлкамизда етиштирилган ҳосилни хорижий давлатларга йил давомида барқарор етказиб беришни таъминламоқда.

Таклиф этилаётган пахта сифат кўрсаткичлари юқорилиги билан ажралиб туради ва бу кўрсаткичлар янги навлар яратилиши ҳисобидан йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Айни пайтда юртимиз далаларида серҳосил, толаси узун ва тоза, зараркунандаларга бардошли, мамлакатимиз ҳудудларининг тупроқ-иқлим шароитига мос қатор эртапишар ғўза навлари етиштирилмоқда. Ўзбекистоннинг олий навли пахта толаси жаҳон бозорида талаб этиладиган асосий сифат кўрсаткичларидан бири бўлган микронейр кўрсаткичига тўла жавоб беради.

Ўзбекистонлик олимлар эришган сўнгги ютуқлардан бири – бу дунёдаги илк ген-нокаут технологиясидир. Мазкур технология чидамли хусусиятларга эга "Порлоқ" навлари туркумини яратиш имконини берди. Бунинг самарасида мамлакатимизда янги нав толасини сотиш учун нархлар тарификациясига ўзгартишлар киритилди ва ушбу тола бошқа навларга қараганда 12 фоиз қиммат сотилмоқда. Шуниси эътиборлики, йигирмадан ортиқ фермер хўжалиги ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Геномика ва биоинформатика марказининг махсус уруғчилик хўжаликларида 2013 йилдан буён "Порлоқ-1", "Порлоқ-2", "Порлоқ-3" ва "Порлоқ-4" янги ғўза навларининг уруғлик чигитини тайёрлаш йўлга қўйилган.

*(Давоми 2-бетда)*

**XXI аср садоси**

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ҳамкорлигида "Нефть-кимё соҳасида инновацион ғоя ва технологиялар ҳолати ва истиқболлари" мавзусида халқаро илмий-техникавий анжуман ташкил этилди.**
- **Қаршида "Ёшларга оид давлат сиёсати: мазмун ва моҳият" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда "Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари", "Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари", "Мустақиллик неъматлари" мавзуларида маърузалар тингланди.**
- **Ўзбекистон Републикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун "Ўқувчи-ёшлар бўш вақтларининг мазмунли ташкил этилиши" мавзуида медиатур ўтказилди.**
- **Навоийда "XXI аср: глобаллашув жараёнлари олдимизга муҳим ва долзарб талаблар қўймоқда" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда жамоатчилик вакиллари, ўқувчи-ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**
- **Олтинсой туманида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда 60 дан зиёд ташкилот ва корхоналар 327 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбирда юз нафар кишига доимий ишлаш учун йўлланма берилди.**

### ЖАҲОНДА

- **Шимолий Американинг Висконсин штатидаги Мэдисон шаҳри суди Apple компаниясини Висконсин университети ходимлари томонидан ишлаб чиқилган технологиядан ноқонуний фойдаланганликда айбдор деб топди.**
- **Дубайда қад кўтарган The Rosemont Hotel&Residences номли янги осмонўпар меҳмонхонанинг тепа қисмида сунъий ўрмон ва сув ҳавзаси ҳам бунёд этиладиган бўлди.**
- **АҚШ ўзининг Афғонистондаги 9,8 минг кишилик ҳарбий контингентини сақлаш муддатини 2016 йилга қадар узайтиришга қарор қилди.**
- **Кеча Филиппиннинг шарқий қирғоғида 4,7 магнитудали ер қимирлаши содир бўлди. Қурбонлар ва вайронагарчиликлар тўғрисида ҳозирча маълумотлар йўқ.**
- **Бутунжаҳон банкига аъзо бўлган мамлакатлар қочқинларнинг асосий қисмини қабул қилаётган мамлакатларга пул маблағларининг ажратилиши имкониятини кўриб чиқишни режалаштирмоқдалар.**

**Сўз — ярмарка иштирокчиларига**

## ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ТОЛАСИГА ДУНЁ ХАРИДОР

***Тошкентда 15 октябрь куни XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси очилди. Унда дунёнинг қирқдан зиёд мамлакатидан пахта бизнеси ва йирик тўқимачилик компаниялари вакиллари, соҳа мутахассислари, экспертлар ва олимлар иштирок этмоқда. ЎзА мухбирлари улар билан суҳбатда бўлди.***

**Петер ШАФФЛУТЗЕЛ, "Swiss Capital International Group" компанияси бош директори (Швейцария):**

– Биз Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида бир неча йилдан буён иштирок этиб келяпмиз. Бу ерда саноатчилар ва ишбилармонларнинг музокара олиб бориши ва шартномалар тузиши учун барча шароит яратилган.

Компаниямиз Ўзбекистонда кўплаб жабҳаларда, жумладан, тўқимачилик соҳасида ҳам қатор сармоявий лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, "Uztex", "Uztex Toshkent", "Uztex Shovot", "Shovot Tekstil", "Uztex Chirchiq", "Eurotex" каби корхоналар ҳамкорлигимизнинг ёрқин намунасидир.

Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда бизнес юритиш, қулай сармоявий муҳит яратиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу боис Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш, мамлакатингиз ишбилармонлари билан биргаликда яна кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

**Гопалакришнан РАГУ, "Texcoms Worldwide" компанияси вакили (Сингапур):**

– Сингапурда Ўзбекистонни иқтисодиёти барқарор ривожланаётган, инвестиция киритиш учун истиқболли мамлакат сифатида билишади. Мамлакатингиз нафақат пахта етиштирувчи, балки уни қайта ишловчи, саноати ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгалламоқда. Ярмаркада Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспозицияси ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотгани бунинг ёрқин далилидир.

Компаниямиз тўқимачилик соҳасида техникавий консалтинг хизмати кўрсатиш билан шуғулланади. Ярмарка доирасида Ўзбекистон компаниялари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилаётганимиздан мамнунмиз.

**Кристофэ БРИОЛИН, "Exuinoxe" компанияси президенти (Франция):**

– Ўзбекистоннинг пахта ва тўқимачилик саноати улкан салоҳиятга эга. Ярмаркада намойиш этилаётган, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган кўплаб турдаги тўқимачилик маҳсулотлари мамлакатингизда енгил саноат ривожланганидан далолат беради.

Бу жараёнда мода ва дизайн соҳаси ҳам изчил равнақ топмоқда, тадбиркорлар, модельерлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Биз ҳам мамлакатингиздаги "Ideal" масъулияти чекланган жамияти билан янги моделлар дизайнини яратиш борасида ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Юртингиз ишбилармонлари билан ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мақсад қилганмиз.

**Абул Калам АЗАД, "Damodar Menon International" компаниясининг МДҲ мамлакатлари бўйича маркетинг менежери (Ҳиндистон):**

– Пахта ва тўқимачилик саноатида катта нуфузга эга Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни тобора мустаҳкамлашдан манфаатдормиз. Мамлакатингизда ўтказилаётган мазкур ярмарка пахта етказиб берувчилар ва харидорларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, жаҳон тўқимачилик саноатини ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Бундан аввал Ўзбекистонда 1997 йилда бўлган эдим. Ўтган даврда мамлакатингиз жудаям ўзгариб, ҳар томонлама ривожланганини кўриб турибмиз. Тошкент шаҳрининг кўркига кўрк қўшилиб, янада гўзаллашибди. Муҳташам иншоотлар, кўчаларни тўлдирган замонавий ўзбек автомобиллари мамлакатингиз тараққиёти, халқингиз фаровонлиги ошиб бораётганининг ўзига хос ифодасидир.

**Масуд РАНА, "Asia Composite Mills", "Asia Fibre Industries", "RMT Textile Mills" компаниялари бошқарувчи директори (Бангладеш):**

– Компанияларимиз ип калава ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринларда туради. Ўзбекистонда толаси пишиқ, юксак сифатли, саноатбоп пахта етиштирилади. Шу боис тўқимачилик саноати ривожланган барча давлатлар мамлакатингиз билан фаол ҳамкорлик қилишга интилмоқда. Биз ҳам доим Ўзбекистон пахта толасини сотиб оламиз. Бу йил ҳам мамлакатингиздан қарийб 10 минг тонна пахта сотиб олишни режалаштирганмиз.

Мамлакат раҳбарияти саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришиб, дунё ҳамжамиятининг эътиборини тортмоқда. Ўзбекистонда фаол ва муваффақиятли бизнес юритиш учун яратилган қулай ишбилармонлик ва сармоя муҳити бошқа мамлакатлар қатори бангладешлик тадбиркорларнинг ҳам ҳамкорликка қизиқишини кучайтирмоқда.

**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА**
**ёзиб олди.**

## Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

# ИМКОНИЯТ ВА ҚУЛАЙЛИКЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

***Юнусобод туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини бартараф этиш ва таклифларини ўрганишга бағишланган семинар ташкил этилди.***







Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Иқтисодиёт, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари вакиллари, шаҳар ва туман ҳокимликлари, прокуратура, тижорат банклари ходимлари ҳамда тадбиркорлар иштирок этишди.

Сир эмаски, кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Тадбиркорликнинг бу йўналиши иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб бериш ва замонавий тузилмаларни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Кичик бизнес соҳаси вакиллари ва тадбиркорлар томонидан яратилаётган янги иш ўринлари аҳоли даромадларини ошириб, халқимиз фаровонлигини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда. Шу боис кичик бизнес вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Соҳага берилаётган эътибор натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 56 фоизга ўсди. Иш билан банд аҳолининг қарийб 77 фоизи мазкур йўналишда меҳнат қилмоқда. Бу эса унинг тобора тараққий этиб бораётганидан далолат беради.

Хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, тадбиркорларга кўплаб енгилликлар бериш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинаётир. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазкур йўналишда қабул қилинган муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлди.

Ушбу фармонга мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар фақат сўнгги текширувдан кейинги даврни қамраб олиши белгиланган. Шунингдек, тадбиркорлар томонидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда биринчи марта хатоликларга йўл қўйган шахсларга 30 кун ичида уни тўғрилаш имкониятининг яратилиши тадбиркорлар фаолиятининг тўхтаб қолиши ва тугатилишининг олдини олади.

Семинарда кичик бизнес вакилларига яратилган қулайликлардан самарали ва оқилона фойдаланиш, соҳадаги янгиликлардан хабардор этиш, ёш тадбиркорларнинг кўникмаларини ошириш ва уларнинг ҳуқуқий билимларини янада бойитишга қаратилган маърузалар тингланди. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари вакилларининг муаммоларини ҳал этиш ва таклифларини ўрганиб чиқиш бўйича фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Бугунги кунда Юнусобод туманида 6211 та кичик бизнес субъектлари фаолият олиб бораётган бўлиб, туман саноатининг 86,5 фоизи ва жами хизматларнинг 67,2 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади. Иш билан банд аҳолининг 57,4 фоизи кичик бизнес корхоналарида меҳнат қилади.

– Яратилаётган имкониятлар ва қулай ишбилармонлик муҳити сабаб тадбиркорлик субъектларининг сони йилдан йилга ортиб бормоқда, – дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг Юнусобод тумани ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Дилбар Зайнутдинова. – Туманимизда тадбиркорларнинг муаммоларини ўрганиб, уларни ҳал этиш борасида бир қатор ишлар олиб борилаётир. Мутасадди идоралар вакиллари иштирокида 30 дан ортиқ учрашувлар ташкил этилиб, уларда 1500 дан зиёд тадбиркорлар иштирок этишди. 274 та корхонанинг муаммо ва таклифлари ўрганиб чиқилди ва ижобий ҳал этилди. "Пойтахт Технопарк" ҳудудидан 34 нафар тадбиркорлик субъектларига 15 минг 800 квадрат метр жой ажратилди ва бу борада қолган мурожаатлар юзасидан тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Тадбиркорликнинг нафақат ишлаб чиқариш, балки савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишларига бирдек эътибор қаратилган. Шу боис бу йўналишда ҳам тадбиркорларимиз жадал иш олиб боришаётир.

– Фаолиятимиз асосан ёшларни олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига тайёрлаш бўлиб, шу билан бирга турли ёшдаги фуқароларни чет тиллари ва компьютер саводхонлиги бўйича ўқитиш ишлари ҳам олиб борилади, – дейди "Юлдуз ўқув" нодавлат ўқув маркази раҳбари Юлдуз Бойназарова. – Марказимиз 2014 йилда фаолиятини бошлаган бўлиб, бугунги кунда 19 нафар ходим иш олиб бормоқда. Ҳозирда фаолиятимизни кенгайтириб, "Юлдуз билим" марказини ҳам ташкил этганмиз. Бу марказимиз ёшларга мактабдан ташқари таълим-тарбия беришга ихтисослашган бўлиб, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилади. Эришаётган ютуқларимизнинг бари давлатимиз томонидан яратилаётган қулайликлар туфайлидир. Бугунги семинарда биз, тадбиркорларга берилаётган имкониятлар, соҳадаги янгиликлар билан танишиб, ўз таклифларимизни билдирдик.

Бундай учрашувлар туманда фаолият юритаётган тадбиркорларга тегишли маълумотларни бериш билан бир қаторда уларнинг шу кунгача ечилмаган муаммоларини ҳал қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Абдуалим САЛИМОВ**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

# ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР ВА ТАРАҚҚИЁТ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

– Ичимлик суви ва бошқа истеъмол маҳсулотларини қадоқлашда полимер маҳсулотлардан кенг фойдаланилмоқда, – дейди институтнинг илмий ишлар бўйича проректори Равшан Одилов. – Ушбу идишларни фойдаланиб бўлингандан сўнг табиатга ташлаш экологик жиҳатдан зарарлидир. Уларни қайта ишлаш бугунги куннинг долзарб муаммоси. Институтимиз олимларининг изланишлари натижасида яратилган замонавий технология бу борадаги муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу янги усул "Ўзкабель" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли корхоналарда синовдан муваффақиятли ўтди ва ихтирога давлат патенти олинди. Айни пайтда ишланмани янада такомиллаштириш ва саноат усулига кенг татбиқ этиш юзасидан изланишлар давом эттирилмоқда.

Калийли ўғит ишлаб чиқариш саноатида ҳосил бўладиган чиқинди ҳам саноат корхоналари учун муҳим хомашё манбаи ҳисобланади. Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи билан ҳамкорликда олиб борилган илмий изланишлар натижасида чиқиндини қайта ишлаш ва иккиламчи маҳсулот олиш технологияси яратилди. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси гранти асосида яратилган ушбу технология ёрдамида йилига қарийб икки юз минг тонна чиқиндини қайта ишлаш имконияти яратилди. Уни амалиётга жорий этиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Озиқ-овқат чиқиндиларидан иккиламчи маҳсулот олиш бўйича амалга оширилаётган илмий изланишлар ҳам самарали бўлмоқда. Узум данаги ва бандларидан маҳсулот олиш борасидаги изланишлар бунга мисолдир. Тадқиқотлар жараёнида аниқланишича, улар таркибида саноат аҳамиятига эга кўплаб микроэлементлар, ошловчи моддалар, антиоксидантлар ва шифобахш хусусиятга эга ёғ мавжуд. Институт олимлари яратган янги технология узум данаги ва бандларидан бир қатор табиий моддалар олиш ҳамда улардан озиқ-овқат саноатида фойдаланиш имконини бермоқда. Бу борада Республика озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси билан ҳамкорлик яхши самара бераётир.

Мамлакатимизда шоли етиштиришнинг замонавий усуллари жорий этилиши аҳолининг гуручга бўлган талабини тўла қондириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштиришга хизмат қилмоқда. Маълумки, истеъмолчига етиб келгунича гуручга бир неча босқичда ишлов берилади. Шолини оқлаш жараёнида маълум миқдорда кепак ҳосил бўлади. Олимларимиз ушбу чиқитни пахта шроти билан қўшиб, биотехнологик ишлов бериш асосида бузоқлар учун сут ўрнини босадиган янги биологик маҳсулот олишга эришди. Бу маҳсулотни қўллаш чорвачиликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Балиқчиликни ривожлантиришда сифатли ва арзон озуқа базасини яратиш муҳим вазифалардан. Пахта шроти асосида ачитқили, госсиполсизлантирилган маҳсулот олиш технологиясининг назарий асослари яратилиши бу борадаги яна бир муҳим изланишлардан бўлди. Бу жараёнда ёғ-мой саноати чиқиндиларидан олинган маҳсулот балиқчилик соҳаси учун самарали ва фойдали озуқа бўлиб хизмат қилиши илмий жиҳатдан асосланди.

Анъанавий ўтказилаётган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаларида институт олимларининг бундай илғор технологиялари мутахассис ва амалиётчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Навоий вилоятидаги балиқчиликка ихтисослашган "Шамс Навоий" кичик корхонаси билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Ҳозирги кунда мазкур корхонада ушбу озуқани ишлаб чиқаришнинг янги технологияси ўрнатилиб, ундан самарали фойдаланилмоқда.

Мазкур ярмаркада имзоланган яна бир ҳамкорлик шартномасига мувофиқ, олимларимиз яратган енгил рафинацияланадиган пахта мойи ва кам госсиполли шрот олиш технологияси ўн саккизта ёғ-мой корхонасида жорий этилди. Натижада ишлаб чиқарилаётган пахта мойининг сифати сезиларли даражада яхшиланди. Шу билан бирга, чорвачилик ва паррандачилик учун экологик тоза озуқа ишлаб чиқарилмоқда.

Қоғоз ўтмишда қандай қадрланган бўлса, бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришга асос бўладиган табиий ўрмонлар турли экологик офатлар таъсирида йилдан йилга қисқариб бормоқда. Шу боис қоғоз олишнинг янги манбаларини топиш жаҳон илм-фанининг муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда. Топинамбур ўсимлигидан қоғоз олишга оид технология ушбу йўналишда катта қизиқишга сабаб бўлаётган лойиҳалардан биридир.

Топинамбур ёввойи ҳолда ўсади. Ушбу ўсимликнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида уни маданий шароитда ўстириш, тиббиёт, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш бўйича самарали тадқиқотлар ўтказилган. Тошкент кимё-технология институти олимлари ушбу ўсимлик поясини қайта ишлаш натижасида целлюлоза ва қоғоз олиш технологиясини яратди. Ихтиро "Наманган қоғози" очиқ акциядорлик жамиятида саноат миқёсида амалга татбиқ этилди.

Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркалари илм-фанимизнинг бундай ютуқларини амалиётга татбиқ этиш ва фан тараққиётини юксалтиришда муҳим омил бўлаётир. Жорий йил бўлиб ўтган саккизинчи ярмаркада институт олимлари ишлаб чиқариш корхоналари билан инновацион ишланмалар ва ихтироларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тўрт юз миллион сўмликдан ортиқ шартнома имзолади. Бундай ютуқларни амалиётга татбиқ этиш мамлакатимиз иқтисодий қудрати ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИ ВА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ ЖАҲОН БОЗОРИДАГИ ЎРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

– Ўзбекистонда ғўзанинг янги навларини яратиш борасида кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилмоқда ва селекционер олимлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, – деди Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг бошқарувчи директори Ж.Ситте. – Мамлакатингизда ушбу йўналишда салмоқли натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон олимларининг қўмитамиз томонидан ўтказиладиган "Йил тадқиқотчиси" анъанавий танловида пахта геноми бўйича амалга оширилган фундаментал тадқиқотлар учун тақдирлангани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир.

Ярмарка бўлиб ўтаётган "Ўзэкспомарказ"да жорий йил мамлакатимиз пахта заводлари томонидан ишлаб чиқарилган тола намуналари тақдим этилган.

Ўзбекистонда пахтачилик соҳаси нафақат агротехнологияларни янада такомиллаштириш, навлар сифатини яхшилаш ва пахта тозалаш саноатини модернизация қилиш ҳисобидан, балки илғор жаҳон тенденциялари асосида ривожланиб бораётгани таъкидланди. Сўнгги йилларда соҳа корхоналари ишлаб чиқариш майдонларини имкон қадар қисқартириш, энергия тежайдиган технологиялар, хомашё ва маҳсулотни автоматлаштирилган тарзда назорат қилиш, электрон ҳисобга олиш тизимларини жорий этиш ҳисобидан қайта жиҳозланмоқда. Пахтани тойлаш бўйича янги тизим жорий этилгани маҳсулотнинг товар кўринишини сезиларли даражада яхшилаш, таннархини камайтириш ва ишлаб чиқариш маданиятини ошириш имконини бераётир.

Ярмаркада сотувга қўйилган ҳар бир той "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг сифат сертификатига эга. Айни пайтда марказ ва унинг ҳудудий лабораториялари модернизация қилиниб, техник ва технологик қайта жиҳозланмоқда. 2017 йилгача марказни бугунги кунда фойдаланилаётган тизимларга қараганда самарадорлиги икки баробар юқори бўлган "Uster HVI 1000" автоматлаштирилган тизими билан жиҳозлаш режалаштирилаётир. Бу тола сифатини ишончли ва холис баҳолаш даражасини ҳамда Ўзбекистон пахтасининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти сезиларли равишда ошиб, ташқи бозорга маҳсулот етказиб бериш тузилмасини хомашёдан юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотга йўналтириш енгил саноат имкониятларини кенгайтирмоқда. Бугун тармоқ корхоналари ўз маҳсулотларини дунёнинг 55 давлатига етказиб бермоқда ва экспорт географияси мунтазам кенгаймоқда. Тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар МДҲ ва Европа давлатлари, Хитой Халқ Республикаси, АҚШ, Канада ҳамда қатор араб мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Айрим мамлакатлар, хусусан, АҚШда дилерлик бўлимлари фаолият кўрсатмоқда ва мамлакатимизнинг жаҳон бозоридаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Ярмарка иштирокчилари "Ўзэкспомарказ" тўқимачилик павильонида мамлакатимиз енгил саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган юқори сифатли маҳсулотлар билан танишди. Ўзбекистоннинг юзга яқин тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж корхоналари калава, газлама, бўялган ва аралаш ип, трикотаж мато, тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмлари, шунингдек, пайпоқ, махсус тайёрланган матолар, махсус кийим-кечак ва бошқа товарларни тақдим этмоқда.

Ярмаркада "Осборн текстиль", "ДЭУ Фарғона", "ДЭУ Бухоро", "Индорама Қўқон текстиль", "Текстайл Текноложи групп", "Алким текстиль", "Бирюза групп", "Контекс Тошкент", "БФ текстиль", "Фреш Стайл", "Лукбо текстиль" масъулияти чекланган жамиятлари хорижий корхоналар, "Ўзтекс", "Пластекс" каби компаниялар гуруҳи ўз стендларини намойиш қилмоқда.

– Ўзбекистон тўқимачилик саноати сўнгги йилларда жадал ривожланиб бормоқда, – деди Халқаро тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар федерацияси бош директори К.Шиндлер. – Соҳага инвестициялар жалб қилинаётгани, ишлаб чиқарувчилар қўллаб-қувватланаётгани, юқори қўшимча қийматга эга товарлар экспорти ҳажми ошаётгани бунда муҳим омил бўлмоқда. Натижада тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган кўплаб янги корхоналар ташкил этилмоқда.

Анъанага кўра, ярмарка доирасида мамлакатимиз ҳудудларининг инвестиция салоҳияти ва тўқимачилик тармоғини ривожлантиришга доир янги лойиҳалар тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Хорижий ишбилармон доиралар вакиллари ушбу лойиҳалар катта истиқболга эга эканини таъкидлаб, уларга инвестиция киритишдан манфаатдорлигини билдирди.

"Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти ҳузуридаги "Шарқ либослари" дизайн маркази ва "Осиё рамзи" Ўзбекистон модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси томонидан ташкил этилган мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг либослар коллекцияси намойиши пахта форуми иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Тадбирда эркаклар, аёллар ва болалар кийим-кечаклари, турфа рангли, нақш ва бичимли хилма-хил либослар коллекциялари намойиш қилинди.

Франциянинг "Gherzi Textil Organization" компанияси бош директори Ж.Герци, Швейцариянинг "Swiss Capital International group AG" компанияси раиси П.Шафлюцел, Германиянинг "TNN" компанияси раиси Н.Неохаус ва бошқалар бугунги иқтисодий шароитларда Ўзбекистон янги савдо бозорларини забт этиш, жаҳон бозорида ўз мавқеини янада мустаҳкамлашга қодир эканини таъкидлади. Хорижлик иштирокчилар мамлакатимиз билан ушбу соҳада савдо, ишлаб чиқариш ва инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтиришга катта қизиқиш билдирди.

Ярмарканинг дастлабки кунида Ўзбекистон пахтаси ва тўқимачилик маҳсулотларини сотиб олиш бўйича ўтказилган музокараларда юртимизнинг ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналари ҳамда ташқи савдо компаниялари вакиллари қатнашди.

XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**
